



ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ ВА АХАМИЯТИ

Дуисова Зоя Турсынбайевна

Қороқолпоғистон Республикаси Қунғирот тумани 6-мактаб психологи

АННОТАЦИЯ : Ушбу мақолада бугунги кунда психологиянинг замонавий босқичлари ва унинг инсонлар ҳаётидаги ўрни хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: психолог, ривожланиш, педагоглар жамоа, жисмоний ва ақлий қобилият, иқтидорли ўқувчилар.

КИРИШ

Бугунги кунда кўпчилик умумий ўрта таълим мактаблари ўзининг психологларига эга. Бироқ шунга қарамай директор ва ўқитувчилар кўпинча психологнинг кўлидан нима келиши мумкинлигини яхши тасаввур этолмайдилар. Уларга психолог ҳамма муаммоларини бир зумда ҳал қилиб берадигандек туюлади. Аммо психологнинг мактабда иш бошлаганидан кейин мактабда ташқи жиҳатдан ҳеч нарса ўзгармаганини кўришгач, уларда «Мактаб психологининг ўзи нима кераги бор?» деган типдаги саволлар туғилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, мактабдаги амалий иш учун психолог ўрганган назарий билимлар етмай қолади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мактабга келиб қолгач, психологлар кўпинча амалиётнинг улар олдида қўйган муаммоларидан довдираб қоладилар. Шундай аҳволга тушиб қолмаслиги учун психолог аввало мактабга нима мақсадда бораётганлигини аниқлаштириб олиши керак. Психологик хизматнинг умумий мақсадларидан



келиб чиқиб, психолог умумий ўрта таълим мактабида қуйидаги вазифаларни бажариши талаб этилади:

1. Болаларнинг ҳар-бир ёш босқичида шахс сифатида ва интеллектуал жиҳатдан тўлақонли ривожланишини таъминлаш, уларда ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш қобилиятини шакллантириш:

2. Ҳар бир болага индивидуал ёндашувни ва унинг психологик-педагогик ўрганилишини таъминлаш:

3. Боланинг интеллектуал жиҳатдан ва шахс сифатида ривожланиш жараёнида юз бериши мумкин бўлган четга чиқишларни профилактика қилиш.

Шундай қилиб, психолог мактабга аввало болалар учун келади. Лекин бу психолог ўқитувчилар билан ишламайди, дегани эмас.

Психолог мактабда енгиб ўтиши керак бўлган биринчи тўсиқ - бу мактабнинг педагогик жамоасига қўшила олишдир. Борди-ю психолог бу мураккаб организмга қўшилиб кета олмаса, ўз ишида муваффақиятга эришиши даргумондир.

Психолог адаптацион даврининг қийин кечишига бир неча омил сабаб бўлади. Кўпинча ўқитувчилар психологни болаларни қандай қилиб тарбиялашни, қандай яшашни ўргатувчи инсон сифатида кўриб, дастлабки кезлардаёқ унга нисбатан салбий установкани шакллантириб оладилар. Ўз-ўзига ишончи суст бўлган ўқитувчилар психологни гўё унинг камчиликларини ошкор этувчи шахс сифатида идрок этиб, уни қандайдир инспектор сифатида қабул қиладилар. Булар эса психологнинг мактаб шароитига тез кўникиб, мактаб ҳаётига чуқур сингиб кетишга ҳалақит беради. Бунинг олдини олиш учун психолог ўқитувчилар билан ўзаро тенг муносабатларга киришиши, иккала тараф ҳам ўзини билагон қилиб кўрсатмаслиги, энг муҳими бир-бирини рақиб деб ҳиссоболамаслиги зарур.



Шунга эришиш керак-ки, ўқитувчилар психологни уларга ёрдам бера оладиган бошқа мутахассис сифатида қабул қилсинлар.

МУҲОКАМА

Мактабдаги илк қадамларданоқ психолог маъмуриятга уларнинг фаолият доирасига нималар кирмаслигини, мўжизалар кўрсатиш унинг кўлидан келмаслигини тушунтириши лозим.

Ўқитувчи билан бўлган суҳбатда у ёки бу боланинг муаммоси психологик муаммо бўлмагани учун у бўйича ҳеч нарса қила олмаслигини тан олишдан қўрқмаслик керак. Дастлабки қадамларни қўйишда ота - оналар билан алоқа ўрнатиш жуда муҳим. Дастлабки алоқа ихтиёрий характерда бўлиши ва ўзи мурожаат қилган ота-оналар билан амалга оширилиши керак. Бунинг учун психолог алоҳида кун ва соатларни ажратиши лозим.

Демак, умумий ўрта таълим мактабида ишни бошлашдан аввал психолог:

1. Ўзининг педагоглар жамоаси ва мактаб маъмурияти билан бўлган муносабатларни тўғри йўлга қўйиши.

2. Ўз ишининг асосий мақсади - бу боланинг оптимал ривожланишини таъминлаш эканини доим ёдда сақлаши.

3. Ўзининг фаолиятида профилактик ишга у билан бевосита боғлиқ бўлган диагностик ва ривожлантирувчи ишга алоҳида эътибор билан қараши (ахир касални тузатгандан унинг олдини олган маъқулроқ- да) лозим бўлади.

Демак, психологнинг замонавий функционал вазифалари қуйидагича:

а) ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида руҳий, жисмоний (соматик) ва ижтимоий фаровонлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган касбий фаолиятни амалга ошириш;

б) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, таълим муассасаси ижтимоий соҳасини уйғунлаштиришга



кўмаклашиш ва ижтимоий жиҳатдан кўника олмаслик ҳоллари юзага келишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

в) ўқувчилар (тарбияланувчилар) ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва турли кўринишдаги психологик ёрдам (психокоррекция, реабилитация ва маслаҳат) бериш бўйича тадбирларни амалга ошириш, ўқувчилар (тарбияланувчилар), ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), педагогик жамоага аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш;

г) турли йўналиш ва мақсадлардаги психологик диагностикаларни ўтказиш, руҳий, жисмоний ва ақлий, қобилият, мойиллик, имконият каби сифатларни аниқлаш учун тестлар ўтказиш, тест натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

д) болаларни биринчи синфга қабул қилиш комиссияси таркибида болаларни олти ёшдан ўқишга тайёрлигини аниқлашда иштирок этиш;

е) ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналарга ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) шахс ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши муаммолари бўйича йўналиш бериш мақсадида ўрганиш натижаларига кўра психологик-педагогик хулоса тузиш;

ж) ўқувчилар (тарбияланувчилар) шахсининг индивидуал ва ёши, жинсини ҳисобга олиб таълим фаолиятини ривожлантирувчи ва тузатувчи дастурларни режалаштириш ва ишлаб чиқишда иштирок этиш, уларда ҳаётий ва касбга йўналиш олишнинг турли вазиятларига мослашувчанликка тайёргарликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

з) ижодий иқтидорли ўқувчиларни (тарбияланувчиларни) психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиши ва изланишларига кўмаклашиш;

и) ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) ривожланишидаги (ақлий, жисмоний, ҳиссий), турли кўринишдаги ижтимоий ривожланишидаги



муаммосини аниқлаш ва уларни психологик-педагогик жиҳатдан тузатишни амалга ошириш;

к) ўқувчилар (тарбияланувчилар), педагогик жамоа, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) психологик ва жинсий тарбия маданиятини шакллантириш;

л) таълим муассасаси ходимларини ўқувчилар (тарбияланувчилар), педагог ходимлар, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ижтимоийпсихологик хабардорлик даражасини оширишга йўналтирилган психологияни амалда қўллаш, муассасанинг ривожланиши масалаларида маслаҳатлар бериш;

м) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

НАТИЖА

Таклифлар: 1. Психолог қуйидагиларни билиши учун амалий семинарлар ташкил этиш

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларни;

в) умумий ва ижтимоий психология, ёш психологиясини, тиббий психология, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар психологияси хусусиятларини, болалар нейропсихологиясини;

г) психодиагностика ютуқларини, индивидуал фарқ психологиясини, дефектология асосларини, психотерапия, психогигиена, касбга йўналтириш ва меҳнат психологиясини;

д) ташхистлаш методологияси ва методикасини, психопатология, индивидуал ва гуруҳлар бўйича касбга маслаҳат беришнинг замонавий



методларини, боланинг меъёрий ва нотўғри ривожланишини ташхислаш ва тузатишни, ҳуққ этикаси ва маданиятини;

е) тадқиқот ишларини ўтказиш технологиясини, тадқиқот натижаларини компьютерда қайта ишлашни, психодиагностиканинг долзарб илмий маълумотларини;

ж) ўқувчиларнинг (тарбияланувчилар) меҳнати муҳофазаси, соғлиғини сақлаш, касбга йўналтириш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини;

з) энг муҳим муаммоларни аниқлай олиши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни;

и) лавозим мажбуриятлари доирасига кирувчи масалалар бўйича мажлислар, суҳбатлар ўтказиш, маслаҳатлар беришни;

2. Психолог лавозимига қуйилган малака талаблари камида бакалавр даражасидаги махсус психологик ёки олий педагогик маълумот бўлиши лозим.

ХУЛОСА

Хулоса килиб айтганда, психолог ўз вазифасини яхши бажара олганда мактабда психологик муҳит соғлом бўлади.

REFERENCES

1. www.uzedu.uz
2. www.ziyonet.uz
3. www.psixolog.uz